2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 32 (821), 2023 йил 16 февраль, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

### Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати манзилли ва кенг қамровли. Хусусан, ўтган йили 9 минг 406 та маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, ёшларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имконияти яратилди. Натижада улар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга қисқарди. Айни пайтда етакчиларнинг тавсияси асосида йигит-қизларга 25 та ёрдам турлари кўрсатилмоқда.

Ёш авлоднинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида 14-30 ёшдаги 9 миллион нафар ёшларнинг баланси шакллантирилди. Бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорини юзага чиқариш мақсадида 5 босқичли "Беш ташаббус олимпиадаси" ўтказиб келинмоқда.

Йиғилишда бу борадаги ишларни давом эттириб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари битирувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашга қаратилган "Ҳаёт мактаби" дастурини амалга ошириш ташаббусини билдирди.

Ёшларни эътибор ва ғамхўрлик билан тўла қамраб олиш мақсадида улар "маҳалладан вазирликкача" тизими орқали давлат идораларига бириктирилиши белгиланди.

Ёшларга ажратилаётган маблағларнинг шаклланиши ва молиялаштириш жараёнларини рақамлаштириб, мақсадли йўналтириш вазифаси қўйилди. Йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнес кўникмаларини ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди.

Ёшларимиз санъат, адабиёт, спорт соҳаларида ҳам интилувчан. Уларга бундай имкониятларни яқинлаштириш мақсадида ҳудудларда "Маданият карвони" тадбирлари, фестиваллар, интеллектуал ва спорт мусобақалари ўтказилади. Ёшлар сайлгоҳлари, креатив парклар ташкил этилади.

Ёшларни ёт ғоялар хуружидан ишончли ҳимоя қилиш учун муқобил ахборот ресурслари яратиб, бойитиб бориш муҳимлиги айтилди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–269-сон Фармонига мувофиқ **Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси** (кейинги ўринларда — Ўзэнергоинспекция) ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–14-сон Фармонига мувофиқ Ўзэнергоинспекциянинг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган **жами бошқарув штат бирликлари сони 357 та**, шу жумладан, Ўзэнергоинспекция бошлиғи **ўринбосарларининг сони 2 нафар** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзэнергоинспекция фаолиятининг **устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш), қайта ишлаш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-тарож қилиш ва ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ҳамда тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ва бартараф этиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) энергетика объектларида бахтсиз ҳодисалар ва технологик бузилишлар (авариялар)нинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Давоми 2-бетда

## "The Telegraph": ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УЛКАН ЙЎЛИДА

### УЛАР МАМЛАКАТНИ ДУНЁДАГИ ЭНГ ЖОЗИБАЛИ БОЗОРЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНТИРАДИ

*Британиянинг энг оммабоп кундалик нашрларидан бири — "The Telegraph" газетасида "Ўзбекистонда Буюк Британиянинг тажрибасига талаб ортиб бормоқда" сарлавҳали мақола босилди.*

Нашрнинг ёзишича, Марказий Осиёнинг қоқ марказида, қадим Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида дунёдаги энг йирик бозорлардан бири бўлиб келган.

"Зираворларга, тўқимачилик ва қимматбаҳо металларга бой бу ёрқин тарих пойтахт Тошкентнинг кўчалари ва бозорларида ҳамда дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Самарқанднинг айланма хиёбонларида яшашда давом этмоқда, — деб ёзади газета. — Аммо унинг афсонавий ўтмиши сизни йўлдан чалғитмасин — замонавий Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг улкан йўлига чиққанки, улар мамлакатни дунёдаги энг жозибали бозорлардан бирига айлантириши керак".

Мақолада таъкидланишича, 2021 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 7,4 фоиз ўсди, 2020-2021 йиллар мобайнида экспорт 6 фоиз кўпайди, товарлар импорти эса 19 фоиз ошди.

"Буюк Британия ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин савдо муносабатлари мавжудлиги шароитида Британия корхоналари ушбу ўсишдан фойдаланмоғи лозим, — дея таъкидлайди "The Telegraph". — 2021 йилда мамлакат биринчи бўлиб Буюк Британиянинг кенгайтирилган савдо имтиёзлари тизимига қабул қилинди, бу корхоналарга Буюк Британияга товарларни ноль тариф қийматида экспорт қилиш имкониятини берди. Буюк Британия билан икки томонлама савдо ўша йили икки баробар кўпайиб, 378 миллион фунтдан ошди. Аллақачон бу кўрсаткични икки баробар ошириш режалаштирилган".

Британия нашри ушбу мақола интиҳосида ёш ва ғайратли аҳолиси ҳамда иқтисодий ва саноат ислоҳотларининг улкан дастури билан минтақавий бизнес мамлакати сифатида Ўзбекистоннинг келажаги ҳеч қачон бунчалик ёрқин бўлмаганини қайд этган.

**"Дунё" АА**
*Лондон*

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

## СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ ТАЪЛИМ энг чекка ҳудудларга ҳам кириб бормоқда



**Бугун ёш авлодни мактабдаёқ бирор касбга йўналтиришга катта эътибор қаратиляпти. Албатта, бу жараёнда педагоглар зиммасида ғоят масъулиятли вазифа бор. Ўқитувчи ёшларни ўз-ўзини англаши ва касбий ривожланишидан келиб чиқиб, қобилияти ва иқтидорига қараб муайян касбга йўналтириши зарур. Давлатимиз раҳбари иштирокидаги йиғилишда таълим соҳаси вакиллари олдига ўқувчиларни касбга ва камида 2 та хорижий тилда гапиришга ўргатиш вазифаси қўйилди. Айни вақтда Навоий вилоятидаги умумий ўрта таълим мактабларида ушбу икки йўналишда ҳам тизимли ишлар қилинмоқда.**

Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## ШОЛИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ

### ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН, КАФОЛАТЛИ СУВ ВА РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА БОҒЛИҚ

**Тажриба ва илмга таянган фаолият натижадорлиги юқори бўлади. Бу қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири — шоличиликда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, гуруч дунё бўйича энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлар сирасига киради.**

Ўзбекистон географик жойлашуви, тупроқ-иқлим шароити билан шоли етиштириш учун қулай мамлакат. Шу боис, ер ва сув ресурсларини тежовчи, замонавий, илғор инновацион технологияларни кенг жорий этган ҳолда ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни доимий равишда қондириш мумкин. Лекин шоли бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига қараганда 6 баробаргача кўп сув талаб қилади. Демак, инновацион ишланмалар, янгича ёндашувлар мазкур тармоқ учун, айниқса, жуда зарур.

Давоми 4-бетда



ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ




## РИВОЖЛАНИШНИНГ ОЧИҚ, ШАФФОФ, ХОЛИС ВА АДОЛАТЛИ ЙЎЛИ

**Юртимизда сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганидан мақсад Ўзбекистоннинг юқори сифатли давлат бошқарувига эга, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлашдир.**
**Сўнгги йилларда бу йўналишда кўп ишлар қилинди.**
**Хусусан, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада кўзланган натижага эришиш, жамиятда очиқлик, шаффофликни таъминлаш мақсадида электрон ҳукумат тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори Азиз МУҲИДДИНОВ** билан суҳбатимиз шу йўналишдаги ислоҳотлар самараси ва истиқболдаги вазифаларга бағишланди.

**— Юртимизда электрон ҳукуматни жорий этиш бўйича бошланган ислоҳотлар қандай самара бермоқда? Ўтган қисқа даврда нималарга эришилди?**

— Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи интернет фойдаланувчиларидир. Бу кўрсаткич рақамли технологиялар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганининг яққол белгиси. Мана шундай глобаллашув жараёнида юртимизда ҳам рақамли технологиялар ва электрон ҳукуматни ривожлантириш, бу орқали фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш бўйича тизимли ислоҳотлар кечмоқда. Рақамли технологиялар ривожи туфайли ҳукумат, тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида маълумотлар алмашинуви йилдан-йилга тезлашиб, очиқлик ва шаффофлик ортяпти, рақамли тафовут қисқаряпти. Халқимизни сиёсий жараёнлар ва давлат бошқарувига жалб этиш имконияти кенгайиб, аҳолига давлат хизматларини тақдим этиш кўлами ҳам ўсиб боряпти.

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ҳамда энергия самарадор ва энергия тежовчи замонавий технологияларни жорий қилиш, шунингдек, энергия ресурсларини истеъмол қилиш самарадорлигининг мониторингини олиб бориш;

ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича истеъмолчилар (аҳолидан ташқари) томонидан бажариладиган чора-тадбирларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмолининг меъёрлари бажарилиши ва келгусида такомиллаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш.

3. Белгилансинки:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан Ўзэнергоинспекция ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқланади;

давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар мазкур қарорга мувофиқ Ўзэнергоинспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиши шарт;

Ўзэнергоинспекция зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар унинг қонуний талабига кўра бепул тақдим этилади;

Ўзэнергоинспекция томонидан ёқилғи-энергия ресурсларини беҳуда сарфлаш, улардан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш борасида давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ назорат тадбирлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмайди;

Ўзэнергоинспекция ходимлари хизмат гувоҳномалари бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида истеъмолчиларнинг ёқилғи-энергия ресурсларини ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини ёзиб олиш ва уларнинг ҳолати, уланиш схемалари ва қурилмаларини кўрикдан ўтказиш учун ҳисобга олиш ускуналари, схемалари ҳамда қурилмаларини тўсқинликсиз бориб кўришга ҳақли;

Ўзэнергоинспекция Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари ўрнатилишини назорат қилади ва белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чоралар кўриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради.

4. Бош прокурорнинг ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлган **ўринбосари** (кейинги ўринларда — Бош прокурор ўринбосари) лавозими киритилсин.

Белгилансинки, Бош прокурор ўринбосари:

Ўзэнергоинспекция зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга амалий ёрдам кўрсатади;

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини мувофиқлаштиради.

Бош прокуратура **икки ҳафта муддатда** ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Ўзэнергоинспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мазкур қарор билан белгиланган устувор йўналишлар асосида янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни самарали амалга ошириш **масъулияти шахсан энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов** ва **Бош прокурор ўринбосари зиммасига юклансин**.

5. Ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ва бу борадаги жараёнларни рақамлаштириш мақсадида:

а) мавжуд электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламаси белгиланган меъёрдан ошган тақдирда, **уларга янги истеъмолчиларни улаш қатъиян тақиқлансин**;

б) **2023 йил 1 мартдан бошлаб:**

назорат тадбирларини амалга оширишда тафовутларни аниқлаш мақсадида Ўзэнергоинспекцияга "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларидаги ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиш имконияти яратилсин;

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик бўйича тузилган далолатномаларни электрон шаклда расмийлаштириш ва тегишли маълумотларни **"E-ma'muriy ish" тизимига** киритиш тартиби жорий этилсин;

в) **2023 йил 1 июлдан бошлаб** юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан электр энергияси ҳамда табиий газни етказиб бериш бўйича шартномалар электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ёхуд "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тузилиши белгилансин.

Бунда:

мазкур тартиб юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли бўйича лимитларни белгилаш ва уларга ўзгартиришлар киритишга ҳам татбиқ этилади;

давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига автоматик равишда юборилиши таъминланади;

бюджет буюртмачилари билан тузилган шартномалар ғазначилик бўлинмаларида электрон шаклда (инсон омилисиз) рўйхатдан ўтказилади;

г) **2023 йил 1 октябрга қадар** мавжуд электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари юкламаси ошиб кетишининг олдини олиш имкониятини яратиш мақсадида улар биоахборот тизимига киритилсин ҳамда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ҳамда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими билан интеграция қилинсин.

Бунда, электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари мазкур тизимлар билан интеграция қилингандан сўнг электр ва газ тармоқларига уланишда уланиш нуқталари автоматлаштирилган тарзда инсон омилисиз танланади:

д) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб** электр ва газ тармоқлари ва қурилмаларини қуришда лойиҳа ҳужжатларини ваколатли органлар билан келишиш тегишлича электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари орқали аниқ муддатларда амалга оширилиши белгилансин.

Энергетика вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "UzGasTrade" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ билан биргаликда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши ҳамда мазкур бандда назарда тутилган техник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзэнергоинспекция "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда:

а) **доимий равишда**:

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли энергетика объектлари (кейинги ўринларда — объектлар) рўйхатини шакллантириб борсин;

объектларда истеъмол қилинаётган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажмини аниқлаб борсин;

объектларда ёқилғи-энергия ресурслари беҳуда сарфланиши ва сифат талабларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаб борсин ва улар бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрсин;

тизимли асосда ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга оширсин;

объектларнинг тармоқларга тўғри уланганлиги ва ҳисоблагичлар мавжудлиги, уларнинг техник талабларга ва стандартларга мувофиқлигини текшириб борсин, шунингдек, айбдор бўлган мазкур объектлар ходимлари ва уларга хизмат кўрсатган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўрсин;

объектларда ўрнатилган ҳисоблагичларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларига мослигини ўргансин;

б) **ҳар ойда** электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламалари ва созлигини текшириб бориб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

Бунда, Ўзэнергоинспекция **ҳар ойда** Бош прокурор ўринбосари ва энергетика вазирига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот киритиб борсин.

7. Бош прокуратура Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин:

электр энергияси, газ ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали талон-торож қилиш ҳолатларини ўғрилик жинояти сифатида белгилаш;

Ўзэнергоинспекциянинг электр энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш (мансабдор шахсларга нисбатан) ваколатини белгилаш;

Ўзэнергоинспекция томонидан берилган ёзма кўрсатма ва тақдимномаларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш.

8. Энергетика вазирлиги ва Бош прокуратуранинг қуйидаги маблағларни Ўзэнергоинспекциянинг белгиланган тартибда очиладиган махсус ғазна ҳисобварағига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Ўзэнергоинспекция иштирокида ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қоидабузарликлар бўйича ундирилган зарар суммасининг 25 фоизи;

истеъмолчилар томонидан қувват коэффициентининг норматив қиймати ушлаб турилмаганлиги натижасида юзага келган электр энергиясининг қўшимча йўқотилиши билан боғлиқ тўловлардан "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ филиалларига тушган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан қўлланилган маъмурий жарималар ва иқтисодий санкциялар бўйича ундирилган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан пуллик хизматларни кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда, махсус ғазна ҳисобварағидаги маблағлар қуйидаги мақсадларда ишлатилиши назарда тутилсин:

Ўзэнергоинспекция ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Ўзэнергоинспекция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Ўзэнергоинспекцияга шартнома асосида эксперт ва мутахассисларни унинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариш учун жалб қилиш. Бунда, шартнома асосида жалб қилинадиган эксперт ва мутахассислар мақоми бўйича Ўзэнергоинспекция ходимларига тенглаштирилади;

Ўзэнергоинспекция вазифаларини самарали амалга ошириш ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш.

9. Энергетика вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2024 йил якунига қадар** электр энергиясининг диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA), шунингдек, ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларга электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари (ЭНҲОАТ, ГНҲОАТ) тўлиқ жорий этилишини таъминласин.

Бош прокуратура мазкур тизимлар тўлиқ жорий этилишини алоҳида назоратга олсин;

б) "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ва "Ҳудудгазтаъминот" АЖ билан биргаликда **бир ой муддатда** электр ва газ тармоқларига уланиш учун техник шартлар талаблари ва уларни бериш тартибини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш ва белгилаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ва "Ҳудудгазтаъминот" АЖ Солиқ қўмитаси билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар** ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, инсон омилисиз қайта ҳисоб-китоб қилиш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва Солиқ қўмитаси базасида параллел равишда ҳисобга олишни назарда тутувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

"Ўзтрансгаз" АЖ, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, "UzGazTrade" АЖ, "Иссиқлик электр станциялари" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ мазкур дастурий таъминотни ишлаб чиқишда истеъмолчилар базасини шакллантириш ҳамда биллинг тизимлари билан интеграциясини таъминлаш мақсадида "UZINFOCOM" давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор" МЧЖга барча бирламчи маълумотларни тақдим этсин ва биллинг тизимлари билан боғланишга рухсат берилсин.

11. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар:**

бино ва иншоотлар ҳамда улардан фойдаланиш турларига кўра муқобил энергия, табиий газ, электр энергияси, ирригация, ичимлик сув ва оқова сувлар сарфининг стандарт ҳажмларини қатъий белгилайдиган мезонларни тизимга жорий қилсин;

объектларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини техник шартларни рақамлаштирган ҳолда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали амалга оширсин.

12. Энергетика вазирлиги энергетика тармоқлари тархлари, мавжуд тармоқларнинг жорий ҳолати ва даврий юкламаларини рақамлаштирган ҳолда уларнинг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимига интеграциясини таъминласин ва **ҳар ойда** маълумотлар базасини янгилаб борсин.

13. Ўзэнергоинспекция **2023 йил 1 майга қадар** ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни онлайн расмийлаштириш учун барча ходимларни махсус планшетлар билан таъминласин.

14. Энергетика вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда **бир ой муддатда** электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини танқидий қайта кўриб чиқиб, янгиланган қоидаларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Ўзэнергоинспекция тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

16. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов ҳамда Бош прокурор ўринбосари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 13 февраль

## БУГУННИНГ ГАПИ

# САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАРНИ ТАНЛАШДА ҲАЛОЛЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

**Мамлакатимизда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, меҳнат ҳуқуқлари кафолати, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашга доир самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кенг жамоатчилик тарафидан ижобий баҳоланган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши жамиятимизни анчадан буён қийнаётган масалаларни атрофлича тартибга солди, десак янглишмаймиз.**



**Хайрулло СОБИРОВ,**
**Наманган вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи**

Очиғи, авваллари ишга жойлашмоқчи бўлган фуқаролар қайсидир ташкилот "кадр"ларининг қош-қовоғига қараб ҳужжат топширар ва турли ҳақсизликларга учрарди. Бу, ўз навбатида, фуқароларда давлат идораларига ишга фақат коррупцион йўл билан қабул қилинади, деган фикр шаклланишига ва уларнинг давлатга ишончи йўқолишига сабаб бўларди.

Энди барча давлат фуқаролик хизматчиларининг ишга қабул қилиниши ва лавозим поғоналарида юқорилаб бориши очиқ ва шаффоф танловлар асосида бўлиши қонун билан белгиланди. Айни ислоҳотлар адлия органлари ва муассасаларида 2021 йил январь ойида бошланганди. Номзодларнинг ҳужжатлари онлайн тарзда топширилиши, тестларнинг ҳам шундай тартибда ўтказилиши, суҳбат жараёнлари "Youtube" ижтимоий тармоғида тўғридан-тўғри эфирга узатилиши каби тажрибалар мавжуд.

Хусусан, адлия органларида вакант лавозим бўйича танлов vacancy.adliya.uz сайтида эълон қилинади ва исталган фуқаро унда иштирок этиш учун ҳужжат топшириши мумкин. Танлов уч босқичдан иборат бўлиб, биринчисида номзоднинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади. Бунда лавозимга қўйилган расмий малака талабларига эътибор қаратилади.

> **Иккинчи — тест босқичида малака мезонларига мос номзодлар онлайн ҳолда шахсий кабинетлари орқали тест синовларидан ўтиши лозим. Хабардор этиш мақсадида номзодларнинг телефон рақамларига, шахсий кабинетларига тест синовлари бошлангани ҳақида SMS жўнатилади. 30 саволдан камида 21 тасига тўғри жавоб берган номзод кейинги босқичга ўтган саналади.**

Учинчи босқичда тест синовларини муваффақиятли бажарган номзод билан бошқарманинг ишга қабул қилиш юзасидан махсус комиссияси суҳбатлашади. Унда номзод электрон автоматлаштирилган генерация усули воситасида учтадан савол танлайди



ва жавоб қайтаради. Аҳамиятлиси, суҳбат "Youtube" ижтимой тармоғида реал вақт режимида онлайн намойиш этилади ва уни хоҳлаган киши кузатиши мумкин. Бундан кўзланган муддао эса ишга қабул қилишда адолатни таъминлаш, етук ва салоҳиятли кадрларни саралаб олишдир.

Якунланган 2022 йилда Наманган вилояти Адлия бошқармаси томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Биргина мисол, бошқарма ва унинг тизимидаги бўш турган 78 лавозимга vacancy.adliya.uz сайтидаги эълонлардан сўнг 800 га яқин номзоддан танловларда қатнашиш учун аризалар тушди. Бу кўрсаткич 2021 йилдагига нисбатан 60 фоиз кўп. Демак, адлия органларида ишлаш ниятини билдирган номзодлар кўлами сезиларли равишда ўсган. Янги таомил билан ўтказилган танловлар натижаларига кўра, 52 номзод лавозимга тавсия этилиб, улар билан меҳнат шартномалари тузилди.

Албатта, тинимсиз саъй-ҳаракатлари ва ташаббускорлиги холис баҳоланса, эътироф этилса, ходимда ишчанлик кайфияти кучаяди, касбига садоқати янада ошади.

Ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ишга муносабатини яхшилаш учун 52 нафар ходимнинг лавозими кўтарилди. Шунингдек, 100 га яқин ходимга навбатдаги, 4 нафар ходимга муддатидан олдин махсус унвон-мартаба даражалари берилди. Бу 2021 йилнинг шу даври билан таққослаганда 50 фоиз кўп. Бундан ташқари, 60 нафардан зиёд ходим ва уларнинг оила аъзолари спорт-соғломлаштириш сиҳатгоҳларига юборилди. Қарийб 200 нафар ходим байрам тадбирлари арафасида вазирлик ва бошқарма раҳбариятининг эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Янги Ўзбекистонда жамики жабҳаларда бўлганидек, кадрлар билан ишлашдаги изчиллик замирида замонавий раҳбар ва бошқарув кадрларни етиштириш, давлат хизматчиларига муносиб меҳнат шароитини яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш омили ётганини тушуниш ва таъкидлаш даркор.



ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ

# РИВОЖЛАНИШНИНГ ОЧИҚ, ШАФФОФ, ХОЛИС ВА АДОЛАТЛИ ЙЎЛИ

Бошланиши 1-бетда

Бу борадаги ишларни янада кучайтириш учун электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича норматив ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Хусусан, электрон ҳукумат, электрон тижорат тўғрисидаги қонунлар, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси қабул қилинди. Шу асосда барча соҳа ва тармоқларда изчил ишлар давом этяпти. Жумладан, 2022 йил давомида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (my.gov.uz) 70 дан зиёд янги онлайн хизмат ишга туширилиб, ҳозирги кунда умумий электрон давлат хизматлари сони 377 тага етди. Шулардан 240 хизматдан бепул фойдаланиш имконияти мавжуд. Пулли хизматлардан my.gov.uz орқали фойдаланилганда 10 фоиз чегирма белгиланган. Ўтган йили my.gov.uz хизматларидан электрон фойдаланиш кўрсаткичи 12 миллиондан ошди ва бу офлайн тарзда фойдаланилганидан деярли 2 баробар кўпдир.

My.gov.uzнинг мобиль иловасида ҳам 2022 йилда 50 турдаги янги онлайн хизмат жорий қилиниб, жами хизматлар сони 160 тага етди. 38 турдаги хизматлардан фойдаланишда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаби бекор қилинди. Ўтган йил якунида портал фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошди (2022 йил бошида — 1,1 миллион). Хизматлардан онлайн фойдаланиш натижасида биргина 2022 йилда аҳолининг 36 миллиард сўмдан ортиқ маблағи иқтисод қилинишига, давлат органлари фаолияти тубдан яхшиланишига эришилди.

Масалан, 2022 йилда ишга тушган "Автотранспорт бошқаруви учун электрон ишончнома олиш" хизматидан 75,9 мингдан ортиқ фойдаланиш ортидан аҳолининг 5,7 миллиард сўмдан зиёд маблағи иқтисод қилинди. "Чет тилини билиш даражасини аниқлаш" хизматидан 100 мингдан ортиқ фойдаланилиши ҳисобига 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ тежалди. Мактаб шаҳодатномаси дубликатини олиш хизматидан 25 мингдан ортиқ фойдаланилган бўлиб, олдинлари ушбу жараён учун шаҳодатнома йўқолгани ҳақида газетага эълон берилларди, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт нусхаси тақдим этиларди. Жорий этилган электрон тизим туфайли энди фуқародан ҳеч қандай ҳужжат ҳам, маблағ ҳам талаб этилмайди. Таълим олганлик тўғрисидаги диплом дубликатини олиш учун ҳам институтга бориб келиш шарт эмас. Тайёр диплом дубликати фуқаро хоҳишига кўра, почта хизмати орқали уйигача етказиб бериладиган бўлди. Натижада транспорт ва бошқа харажатларга кетадиган 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди.

Автотранспорт ойналари тусини қорайтиришга рухсатнома олиш хизматига my.gov.uz орқали 550 мингдан ортиқ ариза келиб тушди. Илгари бундай рухсатнома олиш учун тегишли ташкилотга бориб ариза тўлдириш, тақдим этилган квитанцияни кўтариб банкка бориш, навбатда туриб, тўлов қилиш керак бўларди. Ҳозир бу жараён учун 5-10 дақиқа кифоя. Шунингдек, давлат хизматлари натижасини ариза бериш жойидан қатъи назар, my.gov.uz орқали



олиш ҳамда фуқаролик биометрик паспорти (ID-карта), ҳайдовчилик гувоҳномаси ва шунга ўхшаш ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугашидан олдин портал орқали хабардор қилиш қулайликлари яратилди.

Электрон ҳукумат тизимидаги ахборотлар алмашинувида Ягона идентификация тизими — ONE IDнинг ўрни катта. Ҳозирги кунда ундан фойдаланувчилар 7 миллионга етиб, рўйхатдан ўтувчилар сони кунига 4 мингдан ортиқни ташкил этяпти. Давлат хизматларидан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида Mobile ID тизими орқали идентификация қилиш имконияти яратилди. Бугун чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли 30 дан ортиқ энг оммабоп хизматдан ўзларига яқин почта боғламалари орқали фойдаланиши мумкин. Шунингдек, хориждаги фуқароларимиз Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналарига бориб, 7 турдаги электрон давлат хизматидан фойдаланиш, хусусан, электрон рақамли имзо олиш имкониятига ҳам эга.

Ўтган йили электрон ҳукумат соҳасида эришилган катта ўзгаришлардан бири халқаро стандартларга жавоб берадиган электрон ҳукуматнинг Ягона маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази барпо этилиши бўлди. Маълумотлар маркази халқаро Uptime институти томонидан бериладиган TIER-III сертификатига эга. Ушбу марказ давлат идораларининг маълумотларни сақлаш ва техник қўллаб-қувватлашга сарфлайдиган харажатларини тежаш, аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш имконини беради. Электрон ҳукуматни ривожлантириш йилдан-йилга янги имкониятлар эшигини очмоқда. Долзарб маълумотларнинг очиқлик ва шаффофликка асосланиши ортидан хорижий компаниялар мамлакатимиздаги ҳар бир давлат идоралари ҳолатини, улардаги статистик маълумотларни электрон кўринишда ўрганмоқда. Бу Ўзбекистонга инвестиция олиб киришда жуда қўл келади.

БМТ томонидан ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган электрон ҳукумат рейтингининг жорий йилги натижасида Ўзбекистон бир йўла 18 поғона юқорилаб, 193 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Шунингдек, Жаҳон банкининг GovTech рейтинги натижаларига кўра, Ўзбекистон ҳукумат ва давлат хизматлари сектори бўйича 37 поғона (198 мамлакат ичида 43-ўринни эгаллади), рақамли кўникмалар ва давлат хизматларидаги инновациялар бўйича 65 поғона юқорилади (4-ўринни эгаллади). Open data Inceptionнинг 2022 йилги таҳлилига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 201 мамлакати орасида очиқ маълумотлар манбалари ва улар сони бўйича 4-ўринни эгаллаган (124 очиқ маълумотлар манбаси билан).

**— "Рақамли Ўзбекистон — 2030" лойиҳаси бўйича ишлар қандай давом этяпти?**

— Электрон ҳукумат соҳасида амалга ошириладиган лойиҳа ва дастурлар ҳар бир давлат органи ва ташкилотининг рақамли ривожланишдаги устувор йўналишларидан келиб чиқиб белгиланган. "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида 2 мингдан ортиқ лойиҳа Электрон ҳукумат маркази томонидан доимий назоратга олиниб, мувофиқлаштириб борилмоқда. Хусусан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини рақамлаштириш бўйича жами 444 лойиҳа ижроси белгиланган



ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲА ВА ДАСТУРЛАР ҲАР БИР ДАВЛАТ ОРГАНИ ВА ТАШКИЛОТИНИНГ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БЕЛГИЛАНГАН. "РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН — 2030" СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА 2 МИНГДАН ОРТИҚ ЛОЙИҲА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ДОИМИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНИБ, МУВОФИҚЛАШТИРИБ БОРИЛМОҚДА.

бўлса, шундан 311 таси бажарилган, қолгани бажарилиш босқичида. Ҳудудлар ва 29 намунавий туманни рақамлаштириш бўйича эса 2022 йил якунига қадар 1634 лойиҳани амалга ошириш топширилган. Шу кунга қадар улардан 1464 таси амалиётга татбиқ этилди ва 105 таси бажарилмоқда.

Масалан, "Рақамли божхона" лойиҳаси орқали божхона расмийлаштирувида инсон омилини кескин қисқартиришга эришилди. Товарлар расмийлаштируви масофадан ўтказилиб, бюджетга ундирилган тўловлар 52 фоиз ва декларациялар сони 17 фоиз ортди. Республикамиздаги умумтаълим мактабларида жорий этилган "Электрон кундалик" тизими эса ҳар чоракда ўқитувчиларнинг 20 соатгача вақтини тежаяпти. Қоғоз кўринишидаги кундалик ва журналлар бекор бўлиши ортидан 4,5 миллиард сўмгача бюджет маблағи иқтисод қилиниши кўзланяпти.

"Ягона электрон тизим — erp.maktab.uz" дастурий мажмуаси жорий этилиши натижасида 14 та манфаатдор вазирлик ва идоранинг маълумотлар базалари интеграция қилинди. Натижада 10 минг 130 таълим муассасасининг паспорт маълумотлари, 6,2 миллиондан ортиқ ўқувчининг, 700 мингдан ортиқ ўқитувчи ва ходимнинг шахсий маълумотлари, 300 мингга яқин педагогнинг тоифа сертификати ҳамда 200 мингдан ортиқ педагогнинг диплом тўғрисидаги маълумотлари автоматик тарзда шакллантирилди.

Фуқароларга доимий эгалик қилиш, ижара ёки мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш электрон давлат хизмати йўлга қўйилиб, портал орқали шу пайтгача 30 мингдан ортиқ ариза қабул қилинди. "E-XSUD" тизими орқали судлар фаолиятини рақамлаштириш туфайли соҳа ходимларининг иш вақти 7 баробаргача қисқаришига ҳамда қоғоз иқтисод қилиниши ортидан йилига давлат бюджетидан 10,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тежалишига эришилди.

"Ягона миллий меҳнат тизими" жорий қилиниши ҳисобига пенсия тайинлаш учун аҳолидан аввалги иш жойларидан ёки архив идораларидан турли маълумотномаларни йиғиб юриш амалиётига чек қўйилди. Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан фуқароларга доимий эгалик қилиш, ижара ёки мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш электрон давлат хизмати йўлга қўйилиши натижасида 3 мингга яқин ер участкаси автоматлашган ҳолда (кадастр, қурилиш идораларига бормасдан) хусусийлаштирилди.

Табиат ресурслари вазирлиги томонидан "Эконазорат" ахборот тизими такомиллаштирилиши ортидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида содир этилган ноқонуний ҳаракатлар юзасидан 47 мингдан ортиқ ҳолат рўйхатга олиниб, 37 миллиард сўмга яқин жарима ҳисобланган. Шунингдек, атроф-муҳитга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича 2022 йил давомида жами 512 факт аҳоли томонидан юборилган.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида жорий қилинган ахборот тизими орқали мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ва тарбияланувчилар давоматини юритиш инсон омилисиз, биометрик идентификация қилиш технологияси воситасида бажарилмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан мис бойитиш фабрикасида технологик жараёнларни автоматлаштириш бўйича ахборот тизими жорий этилиши натижасида қарор қабул қилиш тезлиги икки баробар, ускуналарни эксплуатация қилиш самарадорлиги 5 фоиз ошди ва йилига 1 миллиард сўм иқтисод қилинмоқда.

**— Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида инсон омилини камайтириш бўйича бошланган ишлар кутилган самараларни беряптими?**

— Ҳозирги кунда аҳолига давлат хизматлари кўрсатишда адолат ва шаффофликка эришиш учун барча тармоқларни рақамлаштириш жадаллашган. Масалан, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини жорий этиш ортидан ижтимоий нафақа тайинлашда фуқаролардан 11 турдан ортиқ ҳужжатни талаб этиш бекор қилинди ва бу турдаги моддий ёрдам пули 1,5 миллиондан зиёд оилага автоматлаштирилган тарзда ажратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёшлар доимий эътиборимизда бўлган. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га кирган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга my.gov.uz хизматларини кўрсатишда давлат божлари учун 50 фоиз чегирма йўлга қўйилган. Қўшимча маълумотнома ва ҳужжатлар порталда автоматик шаклланиши ортидан уларнинг талаб этилиши бекор қилинган.

Шунингдек, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб ногиронлиги бор 18 ёшгача бўлган болалар ва одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга нафақаларни ҳамда парваришлаш нафақасини фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тизими жорий этилди. Бугунги кунда мазкур тизим орқали 3 мингдан ортиқ нафақа тайинланди.

Аҳоли ҳаёти фаровонлигини ўйлаб йўлга қўйилган лойиҳалардан бири рақамлашган "Тез тиббий ёрдам" тизими туфайли шифокорларнинг чақирув жойига етиб келишигача бўлган вақт 2 баробар қисқарди. Авваллари мурожаат махсус гуруҳга 30 дақиқада етказилган бўлса, ҳозир 1 дақиқани ташкил этяпти. Маълумотлар қайтадан ёзиб олинмай, тизимга киритилгани тўғридан-тўғри планшетга йўналтириляпти. Натижада ишчи гуруҳ планшет орқали ҳам мурожаатчи ҳақидаги маълумотларни, ҳам харитадаги манзилни кўра олади. Тезкор йўлга чиққан гуруҳ "энг қимматли биринчи соат"да беморларга сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатишга муваффақ бўляпти.

**— Тадбиркорлик ривожида электрон ҳукуматнинг роли қай даражада? Бу тизимда қандай ишларни амалга ошириш режалаштириляпти?**

— Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда 70 дан ортиқ ҳужжат ва маълумотни талаб қилиш амалиёти бекор қилинди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун 248 турдаги электрон давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилган. Тадбиркорлар ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли контракт (шартномалар) маълумотларини ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига темир йўл транспорт воситаси орқали олиб кирилаётган юк ҳақида маълумот олиш, юридик шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга қўйилган маълумотлари билан танишиш, автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташишга лицензия, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга ариза юбориш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш каби электрон давлат хизматларидан энг кўп фойдаланяпти.

Албатта, ҳали олдимизда режалар кўп. Жумладан, янги оммабоп давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш лозим. Бу борада шу йилнинг ўзида тадбиркорлар учун қўшимча 30 дан ортиқ хизмат жорий қилинади. Кўчмас мулкни оператив бошқарувга ёки тасарруф этиш ҳуқуқисиз ижарага бериш шартномаларини, очиқ ер майдонини ижарага бериш шартномаларини ҳисобга қўйиш, нотурар объектларнинг кадастр паспортини шакллантириш ва уларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, товар ва транспорт воситалари билан транзит операцияларини амалга ошириш кабилар шулар жумласидан. Бундан ташқари, шартнома асосида кузатиб бориш хизматларини кўрсатиш, тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш, техника ва қишлоқ хўжалиги машиналарини рўйхатдан ўтказиш, капитал қурилиш ва таъмирлаш бўйича техник топшириқни комплекс экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ электрон давлат хизматларини кўрсатиш ҳам кўзда тутилган.

**— Электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш бўйича қандай режаларингиз бор? Бу борада халқаро ҳамкорликка эътибор беряптими?**

— Аҳоли дуч келаётган муаммоларни ўрганиш асносида 2023 йилда 70 дан зиёд янги хизматни жорий этиш кўзда тутилган. Режага, шунингдек, 10 дан ортиқ электрон хизматни соддалаштириш, электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабини бекор қилиш ҳам киритилган.

Истиқболли лойиҳалардан энг муҳими сифатида "Давлат хизматлари фуқаролар учун" тамойилидан "Давлат хизматлари фуқаролар билан бирга" тамойилига ўтиш орқали аҳолига муайян вазиятда керакли хизматдан фойдаланишни таклиф қилишни назарда тутувчи проактив хизматларга ўтилишини кўрсатиш мумкин. Булар ижтимоий нафақаларни тайинлаш, ID-карта, хорижга чиқиш паспорти ва ҳайдовчилик гувоҳномаси каби ҳужжатларни олиш, лицензияни алмаштириш муддати яқинлашаётганини фуқароларимизга олдиндан эслатиш ва қулай тарзда тақдим этиш кабилардан иборат.

Шунингдек, барча давлат хизматлари учун тўловларни онлайн тўлаш ва кўрсатилган хизматлар натижасида бериладиган ҳужжатларни фойдаланувчиларнинг Ягона порталдаги шахсий кабинетидан бепул тарзда олиш имкониятини яратиш ҳам устувор вазифалар қаторида турибди. Бундан ташқари, оммабоп электрон хизматларни мобиль алоқа операторлари, тижорат банклари ҳамда тўлов тизимлари мобиль иловаларида ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда кўрсатишга ўтилади.

Умуман олганда, рақамлаштириш бўйича лойиҳалар аҳоли ҳаётини енгиллаштириш, узоғини яқин қилиш, ортиқча харажатлардан, оворагарчиликдан, бюрократиядан холи қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва давлатга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, жамиятимизнинг турли соҳаларида, жумладан, темир йўл, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигини рақамлаштиришга оид ишлар кўлами кенгаяди.

Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, улар билан ҳамкорлик қилиш муҳим. Шу боис, ҳозир ушбу соҳада етакчи давлатлардан ҳисобланган Жанубий Корея, Эстония, Сингапур, Япония, Буюк Британия каби давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Айниқса, Жанубий Корея билан узвий ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳозир электрон ҳукуматнинг муҳим инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича янги маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини қуриш лойиҳаси юзасидан ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, бу чора-тадбирлар "Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат" деган умуминсоний ғояни рўёбга чиқариш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришда олдимизда турган эзгу мақсадларга эришишга замин яратади.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.**

!

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИДАГИ АХБОРОТЛАР АЛМАШИНУВИДА ЯГОНА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ТИЗИМИ — ONE IDНИНГ ЎРНИ КАТТА. ҲОЗИРГИ КУНДА УНДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР 7 МИЛЛИОНГА ЕТИБ, РЎЙХАТДАН ЎТУВЧИЛАР СОНИ КУНИГА 4 МИНГДАН ОРТИҚНИ ТАШКИЛ ЭТЯПТИ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА MOBILE ID ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ. БУГУН ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ 30 ДАН ОРТИҚ ЭНГ ОММАБОП ХИЗМАТДАН ЎЗЛАРИГА ЯҚИН ПОЧТА БОҒЛАМАЛАРИ ОРҚАЛИ ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН.




MY.GOV.UZНИНГ МОБИЛЬ ИЛОВАСИДА ҲАМ 2022 ЙИЛДА 50 ТУРДАГИ ЯНГИ ОНЛАЙН ХИЗМАТ ЖОРИЙ ҚИЛИНИБ, ЖАМИ ХИЗМАТЛАР СОНИ 160 ТАГА ЕТДИ. 38 ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО БИЛАН ТАСДИҚЛАШ ТАЛАБИ БЕКОР ҚИЛИНДИ. ЎТГАН ЙИЛ ЯКУНИДА ПОРТАЛ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ СОНИ 4 МИЛЛИОНДАН ОШДИ (2022 ЙИЛ БОШИДА — 1,1 МИЛЛИОН).

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ШОЛИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ

## илмий асосланган, кафолатли сув ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилишга боғлиқ





**Ғиёсжон РАҲИМОВ,**
**Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Шолининг халқ хўжалигида нафақат стратегик озиқ-овқат маҳсулоти сифатида, балки шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи қимматли маданий ўсимлик сифатида ҳам аҳамияти юқори. Ҳозир дунёнинг 108 давлатида 150 миллион гектарда шоли экилади. Шоли майдонининг 91 фоизи Осиё, 4 фоизи Америка, 2 фоизи Африка мамлакатлари ва қолган 3 фоизи бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизда шолининг асосий қисми анъанавий усулда етиштирилади. Яъни шоли уруғи ерга қадалгандан пишиб етилгунга қадар ернинг мелиоратив ҳолатига, механик таркибига ҳамда навига қараб 100-130 кун давомида сувга бостириб ҳосил олинади. Бу усулда ҳар гектарига йиллик сув сарфи ўртача 20-24 минг метр кубни ташкил қилади. Ушбу йиллик сарфланган сувнинг 30-40 фоизигина ҳосил пишиб етилиши давомида ўзлаштирилади, қолган қисми эса парланиб, тупроққа шимилиб кетади. Бу шунча сув беҳуда сарфланади, исроф бўлади, дегани.

Экин экилгандан кейин сувни шолипояларга тўлдириб, узоқ муддат давомида ушлаб туриш сизот сув режими бузилишига олиб келади. Натижада ер ости суви кўтарилиб, шолипояларда шўрланиш, ботқоқланиш ва қайта шўрланиш жараёнлари юзага келади. Яна бостириб суғоришда минерал ўғитларнинг 15-20 фоизи сув билан оқиб кетади. Қолаверса, экин майдонида бегона ўт ўсиши ва кўпайиши туфайли ҳосил сифати пасаяди. Бегона ўтга қарши кимёвий усулларни қўллаш эса сарф-харажатларни кўпайтириб, иқтисодий самарадорликни пасайтиради.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, шоли етиштиришни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар Президентимизнинг ердан самарали фойдаланиш,



тупроқ унумдорлиги, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш, тармоққа тежамкор технологияларни жорий қилишни янада жадаллаштиришга қаратилган қатор фармон ва қарорларида ҳам алоҳида белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони шулар сирасидан. Бугунги кунда ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.



### КЎЧАТЛАБ ЭКИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Республикамизда районлаштирилган шолининг эртапишар “Гулзор”, “Аланга”, “Арпа шоли” (“Девзира”), ўртапишар ва кечпишар “Мустақиллик”, “Аланга”, “Авангард”, “Лазур. Узрос-73” каби навларини асосий ва такрорий экин сифатида кўчатлаб экиб, юқори ҳосил етиштириш мумкин. Бунда 40 кун давомида шолини 100-200 метр квадрат майдонда (бу кўчатлар асосий далада 2-3 гектар ерга етади) кўчат қилиб тайёрлаб, кейин асосий далага экилиши натижасида шолини анъанавий усулда бостириб суғориш учун қилинадиган катта сув сарфи ҳамда ўтоқ қилиш, кимёвий гербицидлар бериш каби энг зарур ишлар ва харажатлар ўз-ўзидан бартараф қилинади.

Қурғоқчилик шароитида ҳам талаб қилинадиган агротехник чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилса, шолидан юқори ҳосил олиш мумкинлиги ўз исботини топган. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 6 та, Андижонда 9 та, Наманганда 1 та, Сирдарёда 2 та, Тошкентда 1 та, Фарғонада 2 та ва Хоразмда 14 та, жами 35 шоличилик кластери ташкил этилган. Уларда шоли майдонларини кенгайтириш ва етиштиришни кўпайтириш, асосан, сув ресурсларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Юқорида келтирганимиздек, бизнинг шароитда баъзи жойларда ҳар гектар шолига тупроқнинг механик таркибига, навларнинг биологик хусусиятларига қараб 24 минг метр кубдан ортиқ сув талаб қилинмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўйича сув ресурслари етишмаслиги мавжуд мамлакатлар рўйхатида туради.

Бундан ташқари, анъанавий усулда бир гектар ерга 16-19 миллион сўм сарфланади. Ҳосилдорлик эса охирги икки йиллик таҳлилларга қараганда, 35-47 центнерни ташкил қилган. Бундай шароитда харажатларни қоплаш ҳам жуда мушкул. Жумладан, ўтган йили кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан жами 111,5 минг гектар ерга шоли экилиб, гектаридан 47,9 центнердан ҳосил олинган. Жами етиштирилган ҳосил эса 538 минг тонна шоли (ёки 269 минг тонна гуруч)ни ташкил этган, эҳтиёж тўлиқ қопланмаган.

Хитойда шолини кўчатлаб экиш технологияси асосида йиллик мавсумий сув сарфи миқдори 6-12 минг метр кубни ташкил қилган. Бир гектар ерда шоли етиштириш учун 8-9 минг юань (11-12 миллион сўм) сарфланган. Ҳосилдорлик асосий экинда 80-100 центнерга етган. Такрорий экин сифатида экилганда эса 60-70 центнердан ошган. Барча харажатлар қопланиб, даромад 2-3 баробар кўпайган. Ҳозирги вақтда дунё бўйича шолининг 85-90 фоизи кўчат усулида экишни ташкил қилади.

### УРУҒЛИК ШОЛИ ХЎЖАЛИКНИНГ ЎЗИДА ТАЙЁРЛАНАДИ



Сифатли уруғ экинлардан мўл ҳосил олиш гаровидир. Деҳқонларимиз тўғри танлаган экин навларининг сифатли уруғлик материаллари ёрдамида ҳосилни чамалаш, ўз маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш имконига эга бўлади. Сара уруғ — ҳосил бўлиқ, деб бежиз айтилмайди. Шу маънода, тўғри ташкил этилган уруғчилик мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунда шоличиликда ҳам авлодли уруғликларни кўпайтириш тизимини йўлга қўйиш, алоҳида уруғлик ер майдонларини ажратиш, уларни белгиланган тартибда қатъий апробациядан ўтказиш ва хўжаликларда уруғлик шолини тозалаш, саралаш, қадоқлаш ишларини амалга ошириш ҳосилдорликни кўпайтиришнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Тадқиқотларга кўра, сифатли шоли уруғи ҳосилдорликни 25-30 фоизгача ошириши мумкин. Бунинг учун элита, 1- ва 2-репродукцияли уруғларнинг бошланғич кўкарувчанлик даражаси 85-95 фоиз бўлиши лозим. Экиладиган шоли навлари ҳосилдорлиги, сифати навнинг уруғлик материалларини янгилаб туриш йўли билан яхшиланади. Кенг майдонларга экилган шоли навларининг уруғи ҳар 2-3 йилда бир марта янгиланиши керак. Одатда уруғлик шолини сақлаш муддати 2 йилдан ошмайди.

Юқорида қайд этганимиздек, жорий йилдан биз, олимлар ҳудудларнинг тупроқ иқлим шароитига мос, юқори ҳосилли, районлаштирилган, кафолатланган шоли навлари уруғларини буюртма асосида хўжаликларга етказишда, экишда йил давомида илмий асосланган агротехнологиялар ўз вақтида бажарилишини таъминлаб, юқори ҳосил олиш ҳамда келаси йил хўжаликка зарур бўлган уруғлик шолини ўзида тайёрлаш ишларида кафолатланган амалий кўмак берамиз.





### АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ АСОСИДА ЁНДАШИШ ЗАРУР

Шоли кўчати HS-5M линиялари билан кассеталар ёрдамида, линиялар бўлмаган тақдирда қўлда экилади. Кассеталар учун тупроқ эланиб, унга қум ва органик ўғит билан 1/3 нисбатда (бир қисм гўнг, 3 қисм тупроқ), қум эса умумий аралашманинг 10 фоизи миқдорида қўшилади. Майсалар тўлиқ униб чиққандан сўнг уларга азотли ўғит билан озиқлантиришнинг умумий меъёри 15-20 фоиз нитрат ҳолида берилади. Кассеталарга 25 сантиметр тупроқ аралашмаси, 250-300 грамм шоли уруғи бир текис солиниб, усти ярим сантиметр тупроқ аралашмаси билан ёпилади ва доимий равишда 100 фоиз намликда ҳамда 1-2 сантиметр қалинликдаги сув сатҳида парваришланади.

Шоли кўчатини қўлда экиш учун махсус кўчатхоналар қурилади. Уларнинг ҳажми шолини катта далага экишнинг умумий ҳажмидан келиб чиқади. Ўртача кўчатхоналар 100 метр квадратдан бошланади. Ушбу ажратилган майдон 15-20 сантиметр ҳайдалиб, 100 метр квадратга ҳисоб-китоб қилиниб, гектарига 30-40 тонна гўнг ёки 5-8 тонна биогумус солинади. Бундай ерни даладаги катта майдонларнинг бир четидан ажратиш мумкин. Навларнинг биологик хусусиятларига қараб апрель ойи охири, май ойи бошларидан, такрорий экин учун эса май ойи охири ва июнь ойи бошидан кўчат тайёрлаш мумкин. Кўчатни механизмлар билан асосий далага экиш учун томир қисмига зиён етказмай, устки қисмидан 60 сантиметр узунликда кесиб олиниб, жойлаштирилади. Бунда экиш тасвири шоли навларининг биологик хусусиятларига қараб 30x10, 30x12, 30x15 сантиметрни ташкил қилади. Жанубий Кореянинг ҳозирги вақтда республикамизга келтирилган PA 600 D-P ва RF-455 русумли шоли экиш машиналари билан бир иш кунида 1-3 гектар ерга сифатли қилиб шоли экиш мумкин.

Шолини асосий экин сифатида қўлда экиш учун ер майдонлари 18-20 сантиметр чуқурликда ҳайдалади ва 10-12 сантиметр қалинликда сув бостирилиб, мола ёрдамида текисланади. Ер текислангач, сув сатҳи 5-7 сантиметргача камайтирилиб, тайёр кўчатлар ҳар бир уяга 2-4 тадан қилиб қадалади.

Такрорий экин сифатида экишда кўчат ёшига алоҳида эътибор берилиши керак. Чунки кўчат ёшининг ошиб бориши билан ўсув даври ҳам ошади. Натижада шоли пишмай қолади. Шунинг учун шоли кўчатини 30-40 кунлигида экиш мақсадга мувофиқдир. Ёғингарчилик ва совуқ кунлар эрта бошланадиган шароитда кечпишар навларнинг 40 кунлик кўчатини 10-15 июнгача экиш тавсия қилинади.

100 метр квадратли кўчатхоналарга 6,5-7,5 килограмм шоли уруғи қўлда сепилиб, биологик хусусияти ва пишиш даврларига қараб (эртапишар, ўртапишар, кечпишар), 30-40 кун давомида ўстирилади. Ушбу майдондаги кўчат асосий далада 1 гектар ерга етади. Томорқа ер эгалари, кичик ва алоҳида ҳовли участкаларида шолини кўчат қилиб экишда 1 метр квадрат майдонда тайёрланган кўчатлар 10 сотих ерга етади.

Кичик ер майдонларида, томорқа ва ҳовли жойларда 5-10 сотихгача фойдаланилмай турган ер майдонларида ҳам навларига қараб, шолини кўчат қилиб экиб, 150-250 килограммгача гуруч олиш мумкин. Бу эса ўртача 4-5 кишилик оиланинг бир йиллик эҳтиёжини қоплайди.

### ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Шоли бошқа бошоқли дон экинларига нисбатан анча юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда Япония, Жанубий Корея, Вьетнам каби давлатларда унинг ҳар гектаридан 100 центнердан ортиқ, Хитойда эса илмий асосланган гибрид навларнинг юқори авлодли уруғларини экиш ва илғор инновацион технологияларни қўллаш орқали ҳосилдорлик ҳатто 180-200 центнергача етказилган. Шундай бўлса-да, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Индонезия сингари гуруч энг кўп истеъмол қилинадиган давлатлар ўз эҳтиёжини қондира олмаяпти. Мамлакатимизда ҳам гуруч асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири. У деярли барча ҳудудларда экилади. Ўзбекистонда аҳолининг гуручга бўлган талаби (тиббиёт меъёри бўйича жон бошига йилига ўртача 10 килограмм) ўртача 350 минг тоннага яқинни ташкил этади. Республикамиз бўйича ўтган йили жами 538 минг тонна шоли, яъни 269 минг тонна гуруч етиштирилган. Бироқ бу эҳтиёж учун етарли эмас.

Мамлакатимиз нуфуси ортиб бориши, иқтисодиётнинг ривожланиши ҳамда глобал иқлим ўзгаришлари жараёнида сув ресурслари тақчиллиги ҳам йил сайин кучаймоқда. Бугунги кунда илмий-техник тараққиёт мисли кўрилмаган даражада юксалаётган, одамлар турмуш тарзини яхшилаш тезкор тус олаётган бир вақтда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, шоли етиштиришда ресурстежамкор, илғор инновацион технологияларни қўллаш орқали ҳосилдорликни ошириш ишлари жадаллашмоқда. Шунга қарамай, бизда шоличиликда ҳосилдорлик жаҳон кўрсаткичларидан паст. Бунинг сабаблари жуда кўп. Шулардан бири жаҳон шоличилиги амалиётида кенг қўлланилаётган илғор, истиқболли технологиялардан фойдаланмаётганимиздир. Шолини кўчат усули билан етиштириш ана шу технологик жараённинг энг муҳим жиҳатларидан саналадики, унинг анъанавий усулдан катта фарқ ва афзалликлари мавжуд.

Шолини кўчат қилиб экиш усулида ҳар гектар майдонда сувнинг йиллик меъёри 40, уруғлик шоли 60, кимёвий гербицидлар 50, минерал ўғитлар 25, меҳнат сарфи (механизмлар билан экилганда) 40, ёнилғи-мойлаш материаллари ва техника сарфи 30, электр энергияси сарфи 30 фоизгача тежалади. Шу билан бирга, шоли 25-30 кун эрта пишиб етилиши натижасида йиллик сув сарфи миқдори яна 10-15 фоизгача камаяди.

Бу усул орқали барча хўжаликларда ҳосилдорликни 30-40 фоиз кўпайтириш учун ички интенсив имкониятлар мавжуд. Ердан унумли фойдаланиш натижасида бир йилда икки марта ҳосил олиш имкони бор.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 104,8 минг гектарга шоли етиштириш режалаштирилган. Шундан асосий экиш 47 минг гектарни, такрорий экиш эса 58 минг гектарни ташкил қилади. Ҳосилдорлик ҳар гектаридан ўртача 50,4 центнерга етказилиб, 317 минг тонна шоли етиштириш мўлжалланмоқда.

Ҳозир дунё миқёсида сувдан оқилона фойдаланиб, ресурстежамкор, илғор инновацион технологияларни қўллаб, юқори ҳосил етиштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Жанубий Корея, Японияда кўчат усулида шоли етиштириш тўлиқ механизациялаштирилган.

Мамлакатимизда шоличиликда юқоридаги каби илғор инновацион технологияларни жорий қилиб, асосий экин сифатида экилганда ҳар гектар ердан 80-100 центнергача, такрорий экини сифатида эса 70-80 центнергача ҳосил етиштириш мумкин. Шунда нафақат аҳолини ўзимизда етиштирилган гуруч билан етарли даражада таъминлаймиз, балки экспорт қилиш имконияти ҳам юзага келади. Бугунги кунда юртимизда шоличиликда барча агротехнологияларни ўз вақтида бажариш учун техника, технологиялар, ер, сув, минерал ўғит, юқори ҳосилли навлар, олим ва мутахассислар мавжуд. Айни вақтда тавсиянома, қўлланма ва бошқа кўргазмали маълумотларни ўз ичига олган материалларни тайёрлаб, шоли етиштирувчиларни ўқитиш ва йил давомида ушбу технологияни жорий қилиб, юқори ҳосил олиш ишларини амалга ошириш лозим.

Охирги икки йиллик маълумотларга қараганда, ҳар йили аҳоли эҳтиёжи учун 30-40 фоиздан зиёд гуручни Осиё ва Европанинг 15 дан ортиқ мамлакатидан импорт қиламиз.

Қишлоқ хўжалигида тупроқ ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, сув ва ресурстежамкор технологияларни жадал жорий қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Буни бажариш Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирликлари, кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари, олим ва мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди.

Шолини етиштириш учун ерга уруғ қадашга ҳам саноқли кунлар қолди. Биз ҳозирданоқ юқоридаги давлат идоралари билан келишган ҳолда тавсия қилинган ушбу технологияни 2023 йилда кафолатли амалга ошириш учун барча ҳудудларга олим ва мутахассисларимиз билан бориб, уларни ўқитиб, ўргатиб, йил бошидан шолини асосий ва такрорий экин сифатида экишда кўчат усулини жорий қилиш ва юқори ҳосил олишга кўмаклашишга тайёрмиз.

Сув ресурсларидан оқилона, тежамкор фойдаланиш асосида ҳосилдорликни, иқтисодий самарадорликни ошириш масалаларини ҳал этишда илм-фан ва амалиёт уйғунлигида илғор инновацион технологияларни янада кенг қўллашга мустаҳкам замин яратамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш энг долзарб масалалардан биридир. Биз ўзимизни боқяпмиз. Илм ва амалиёт уйғунлиги деҳқонларимизга даромад бериш баробарида бутун халқимизга манфаат келтиради. Шунинг учун фермеру деҳқонларимиз илғор инновацион сув ва ресурстежамкор технологияларга оид янгиликлардан нафақат хабардор бўлиши, балки уни амалиётга татбиқ қилиб бориши жуда муҳим.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти томонидан таклиф қилинаётган ушбу технологияни шоличиликда кенг жорий қилиш учун тегишли идора ва ташкилотлар, Тошкент давлат аграр университети, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ҳамда илмий-тадқиқот институтлари олим ва мутахассислари шолини кўчатлаб экишда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш, қўлланиладиган барча агротехнологияларни ўргатиш, кўргазмали семинарлар ўтказиб бориши талаб этилади. Бу кўзланган мақсадлар ер, сув ва минерал ўғитларни тежаш, юқори ҳосилдорликка тезроқ эришишда муҳим аҳамият касб этади.



НУҚТАИ НАЗАР

# ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ЖАМИЯТГА НИМА БЕРАДИ?

**Ривожланаётган мамлакатлар олдида турган энг муҳим мақсад ва вазифалардан бири давлат сиёсатини қайси модел ва усуллар билан амалиётга жорий этишдир. Мазкур масаланинг ечими бир қарашда енгил ва осон кўринса-да, хорижий давлатлар тажрибаси ва реал ҳаёт бунинг аксини тасдиқлайди.**



**Комрон НИГМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик шуъбаси мудири**

Юртимизда мазкур масалалар, жумладан, ривожланишни қайси йўл билан амалга ошириш вазифаси сўнгги йилларда тобора долзарб тус олган. Бунинг сабаби жамият ҳаётидаги туб ижобий ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги босқичи, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ошиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаши ҳамда талаб қилишидир. Сўз эркинлиги, халқ ҳокимиятчилиги, давлат органларининг аҳоли билан ишлашда мутлақо янги тамойиллар асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиши, улар фаолиятида очиқлик ва шаффофликнинг кенг таъминланиши ҳам мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг янги даражага чиққанини яна бир карра кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, юқоридаги омилларнинг юзага келиши мамлакатнинг ҳуқуқий сиёсатга эътиборини жиддий равишда кучайтирди.

Ҳуқуқий сиёсат ўзи нима, деган саволга илмий ва мураккаб таъриф беришдан йироқлашган ҳолда, унинг фуқаролар учун аҳамиятли бўлган реал жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш жоизки, "сиёсат" сўзи ўзининг узоқ йиллик тарихига эга бўлиб, асосан, юнон файласуфи Арасту сабабли ушбу атамадан кенг фойдаланиш бошланади. Олим мулоқотнинг энг муҳим ва олий даражаси — сиёсий мулоқот ҳақида гапиради. Ҳақиқатан, ҳар бир инсоннинг — мутахассис, олим, корхона бошқарувчиси, давлат идораси раҳбари, сиёсий партия етакчисидан тортиб, давлат раҳбаригача — ўз сиёсати мавжуд. Яъни ҳар бир инсоннинг ўз бошқарув услуби ва индивидуал таъсир ўтказиш шакллари бўлади.



**Ҳуқуқий сиёсат ўз ичига давлат сиёсатининг барча йўналишларини қамраб олади. Чунки ҳар қандай сиёсий ислоҳот Конституция, қонун, Президент имзолайдиган қонунчилик ҳужжатлари орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мазкур масалага қаратиладиган эътибор бошқа йўналишларнинг ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади.**

Содда қилиб айтганда, сиёсат деганда ижтимоий жараёнларни бошқариш санъати тушунилса, ҳуқуқий сиёсат моҳиятида ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида давлат олиб бораётган фаолият стратегиясини тушуниш мумкин. Худди шундай уни давлат сиёсати ва ҳуқуқий ривожланишининг тактик ёндашуви ва алгоритми сифатида ҳам қабул қилинади.

Ҳуқуқий сиёсат ўз ичига давлат сиёсатининг барча йўналишларини қамраб олади. Чунки ҳар қандай сиёсий ислоҳот Конституция, қонун, Президент имзолайдиган қонунчилик ҳужжатлари орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мазкур масалага қаратиладиган эътибор бошқа йўналишларнинг ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади.

Ҳуқуқий сиёсатнинг мақсади ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш учун қонуний воситалардан самарали фойдаланиш, қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш ҳамда жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихан минг йилликлар давомида у ёки бу кўринишда мустақил сиёсатини турли шаклларда амалга ошириб келган. Ватанимиз мустақилликка эришгач, янги миллий давлатчилик ва ижтимоий адолатли жамиятни барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва пировардида, "Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат" ғоясини татбиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилди.

Мустақиллик даврида ҳуқуқий сиёсат ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.



**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2022 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ БИЛАН МАЗКУР ИНСТИТУТ ТУГАТИЛДИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИГА ҲИСОБДОР БЎЛГАН ДАВЛАТ ЭКСПЕРТЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАСИ МАҚОМИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Биринчи босқич (1989–1995 йиллар)да якка партиявийликка асосланган тизимдан воз кечилди, янги давлатчилик ва сиёсий тизим асоси яратилди, ҳокимиятнинг учга бўлиниши тамойили расман белгиланди.

Иккинчи босқич (1996-1999 йиллар)да илк бор сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик тизими шакллантирилди. Ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари белгиланди, таълим, божхона ва солиқ, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш масалалари тартибга солинди.

Учинчи босқич (2000–2015 йил -лар)да парламентга сайловлар якунланиб, Президент сайловлари бўлиб ўтди. Асосан, маъмурий-ҳуқуқий ва демократик институтларнинг мувозанатли ва барқарор фаолият юритишига эътибор қаратилди. Ушбу даврда ҳуқуқий сиёсатнинг ривожланиши ўтиш даврини бошдан кечирди, деса ҳам бўлади.

Тўртинчи босқичда (2016 йилдан ҳозирга қадар) мамлакатни янада ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар Ҳаракатлар стратегияси (2017-2021 йиллар) ва Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси асосида давом этмоқда. Жумладан, бугунги кунда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш бўйича давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Айнан тўртинчи босқич доирасида ҳуқуқий сиёсатнинг долзарблиги апогеяга, яъни ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Адлия вазирлиги ҳузурида ҳуқуқий сиёсат учун алоҳида масъул ташкилот — Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилгани фикримиз тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан мазкур институт тугатилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлган давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасаси мақомидаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ташкил этилди.

Институт олдига салмоқли вазифалар қўйилди. Жумладан, институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш бўйича фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши белгиланди. Шунингдек, у қонун лойиҳаларини Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқишнинг барча босқичларини мониторинг қилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилаётган қонун ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан экспертлик фикрлари ва хулосаларини тақдим этади.

Ҳуқуқий сиёсат давлат сиёсатини амалга ошириш ва бошқариш шакли ҳисобланар экан, замонавий шароитда муносабатларнинг жадал ривожланиши мамлакат бошқаруви тизимига туб ўзгартиришлар киритаётганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида бошқарувнинг мутлақо янги модели, яъни ўз самарасини йўқотган "қўл бошқаруви"дан аниқ натижага эришишга қаратилган тизимли бошқарувга ўтиш ҳақида сўз юритилди.

Гарчи "қўл бошқаруви" тезкорлик билан ноанъанавий усуллар орқали қарор қабул қилиб, масала ечимига қаратилган бўлса-да, қайсидир йўналиш ёки соҳага салбий таъсир кўрсатиши ва ушбу оқибатлар билан кейинчалик курашиш эҳтимолини пайдо қилади. Яъни "қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш" мумкин.

"Қўл бошқаруви"ни буюк француз мутафаккири, миллий маъмурий ҳуқуқ асосчиларидан бири Никола Файоля ҳазиломуз тушунтириб берган. Жумладан, у "Агар раҳбар бир кун ишга келмаса, билингки, айнан ўша унинг барча режалари барбод бўлган кун ҳисобланади", деган. Бу билан олим қуйи даражадаги айрим ходимларнинг "қўл бошқаруви"га ҳаддан ташқари мойиллиги, бу эса ташаббускорликнинг сўниши ва юқоридан топшириқ кутиш ҳолатларига олиб келиши, раҳбар йўқ пайтда ишнинг тизимли давом этмаслиги ҳамда ходимларнинг доимо фавқулодда режимда ишлашига эътибор қаратган.

Кўпчиликни ҳуқуқий сиёсат оддий фуқарога нима учун керак, деган савол ўйлантириши мумкин. Айнан жамоатчилик манфаати нуқтаи назаридан ҳуқуқий сиёсат қатор омилларни таъминлайди.

**Биринчидан, ҳуқуқий сиёсат орқали ҳуқуқий майдон (ҳуқуқий олам) юзага келади. Унда фуқаро кундалик ҳаётида ҳар қандай ноқонуний аралашув ва хатти-ҳаракатлардан, мансабдор шахслар ва бошқа фуқароларнинг ўзбошимчалиги ҳамда зўравонлигидан ҳимояланади. Барча низо ва можаролар фақат ҳуқуқий йўл ва механизмлар орқали ҳал этилади. Қонунда назарда тутилмаган усуллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.**

Иккинчидан, ҳуқуқий сиёсат жамиятни ўзгартиришда муҳим воситадир. Масалан, жамият ривожланиши учун зарур бўлган қонунлар аниқланади ва уларни қабул қилиш бўйича ташаббус кўрсатилади ёхуд бирор-бир ишлаб турган қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилади.

Учинчидан, чиқарилаётган қонунларни жамиятда оғриқсиз қабул қилиш ва қўллаш имконини беради. Масалан, бирор-бир муносабатни тартибга солувчи қонун дабдурустдан қабул қилиниши оқибатида аҳолининг муайян тоифаси орасида саволлар пайдо бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, айрим қонунларни жамият тайёр бўлмасдан туриб қабул қилишнинг олди олинади. Қонунчилик ҳужжатларининг жамият ҳаётига, орзу-истакларига ҳамоҳанг бўлиши таъминланади.

Тўртинчидан, ҳуқуқий сиёсат ҳуқуқий давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилади. Бунда қонунлар фақат халқ манфаатини кўзлаб қабул қилиниши ва "қонун ҳукмронлиги"га асосланган бошқарувнинг амалиётга татбиқ этилишига эришилади.

Бешинчидан, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг бевосита ва билвосита иштироки таъминланади. Гарчи қонунларни қабул қилиш учун қонунчилик ташаббусига (қонун лойиҳасини Олий Мажлисга киритиш ҳуқуқига) эга бўлган субъектлар рўйхати (Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Бош прокуратура ва бошқалар) Конституцияда қатъий белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳуқуқий сиёсатни шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари (сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари ва ҳоказо) ва фуқаролар (олимлар, турли соҳадаги экспертлар, оддий фуқаролар) кенг иштирок этади.

Ҳуқуқий сиёсат умумдавлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти билан биргаликда давлат раҳбари томонидан шакллантирилади ва амалга оширилади. Бу жараёнда ҳар қандай сиёсат ҳуқуқий база асосида олиб борилиши, яъни унинг ҳуқуқийлиги таъминланиши керак. Қонуний асосга эга бўлмаган сиёсатнинг қўлланиши эса унинг кучсиз ва заиф бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий сиёсатнинг мавжуд бўлиши давлат ва жамият ривожланиши учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Аниқ стратегик концепциясиз давлат ва жамият муваффақиятли ривожлана олмайди. Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳам буни тасдиқлайди.

Ҳуқуқни шакллантирувчи ва қўлловчи органлар билан биргаликда ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ўз ўрнига эга бўлади. Давлатимиз раҳбари олиб бораётган ҳуқуқий сиёсатнинг ўтказгичи сифатида кўплаб ишларни қилиши лозим. Бунда асосий эътибор амалдаги ислоҳотлар учун ишончли ҳуқуқий асос яратиш, мустақил одил судловни кучайтириш, қонунга итоаткор жамиятни шакллантириш ва ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини самарали таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш учун самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилади.



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ ТАЪЛИМ

## энг чекка ҳудудларга ҳам кириб бормоқда

Бошланиши 1-бетда

Навбаҳор туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар қизиқиш ва истеъдодига қараб касб-ҳунарга йўналтирилган. 7-11-синфларнинг 150 нафарга яқин ўқувчиси пазандалик, тикувчилик, компьютер саводхонлиги, балиқчилик, қуёнчилик ва паррандачилик йўналишларида мунтазам шуғулланмоқда.

— Мактабимизда 413 ўқувчига 43 нафар тажрибали педагог таълим бериб келмоқда, — дейди мактаб директори Самар Мирзаев. — Ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларни касб-ҳунарга йўналтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Айни вақтда 6 та касб-ҳунар бўйича тўгарак фаолияти йўлга қўйилган ва амалий ишлар учун барча шароитлар яратилган. Масалан, тикувчиликни ўрганаётган қизлар учун хоналар тикув машинкалари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, ўқувчилар томондан тайёрланган маҳсулотлар сотувидан махсус ҳисобрақамга ушбу ўқув йилида 30 миллион сўмга яқин маблағ тушди ва бунинг ҳисобига ўқувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқувчилар немис ва инглиз тилларини ҳам қунт билан ўрганмоқда.

Дарҳақиқат, жараённи кузатар эканмиз, тикувчилик ва пазандалик тўгараклари ўқувчи қизлар билан гавжумлигига гувоҳ бўлдик. Қизларнинг айримлари ўз уйида ҳам тикувчилик қилиб, ўқишдан бўш вақтларида оиласига даромад келтираётгани ушбу ишларнинг самарасидир.

Навоий шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабида 21 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси бор. Уларнинг барчаси миллий ва халқаро сертификатларга эга. Ушбу таълим маскани 2022 йилда "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловида совринли ўринни эгаллаб, Президент соврини бўлган 50 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритган.

— Ўтган йили барча чет тили фани ўқитувчиларига 1 миллион сўмдан устама берилгани бизга қўшимча рағбат бўлди, — дейди инглиз тили ўқитувчиси Юлдуз Бобоева. — Мактабимизда хорижий тилларни ўргатиш намунали йўлга қўйилган.

Ушбу мактабда ўтказилган сўровномада ўқувчилар немис ва корейс тилларини ўрганишга қизиқиш билдиргани сабабли шу тилларни иккинчи тил сифатида ўқитиш ҳам жорий этилган. Эътирофга лойиқ жиҳати, таълим масканининг 113 нафар битирувчисидан 60 нафари миллий ва халқаро сертификатларни қўлга киритиб, муддатидан олдин олий таълим юртларига ўқишга киришга эришгани ўқувчиларга хорижий тилларни ўқитиш самарадорлиги юқорилигидан далолат беради.

Навоий вилоятининг олис Учқудуқ туманида ҳам ушбу йўналишларда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, 20-умумий ўрта таълим мактабида фаолият юритаётган 18 нафар хорижий тил ўқитувчисининг барчаси 2022 йилда миллий ва халқаро сертификатга эга бўлди. Мактаб вилоятдаги "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" сифатида 350 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди ва кўрик-танловнинг республика босқичида ҳам фаол иштирок этди.



**ЖАРАЁННИ КУЗАТАР ЭКАНМИЗ, ТИКУВЧИЛИК ВА ПАЗАНДАЛИК ТЎГАРАКЛАРИ ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАР БИЛАН ГАВЖУМЛИГИГА ГУВОҲ БЎЛДИК. ҚИЗЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ ЎЗ УЙИДА ҲАМ ТИКУВЧИЛИК ҚИЛИБ, ЎҚИШДАН БЎШ ВАҚТЛАРИДА ОИЛАСИГА ДАРОМАД КЕЛТИРАЁТГАНИ УШБУ ИШЛАРНИНГ САМАРАСИДИР.**

— Ҳозирги вақтда мактабимизда 2 мингга яқин ўқувчи билим олади, — дейди мактаб директори Насиба Рўзиева. — Ўқитувчиларимизнинг 80 фоизи биринчи ва олий тоифали. Ўтган йилги битирувчиларимизнинг 85 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Мактабимиз туманда ва вилоятда энг яхши хорижий тил ўқитиладиган мактаб сифатида эътироф этилгани чет тилларни ўқитадиган ўқитувчиларимизнинг катта ютуғидир.

Навоий вилоятида қозоқ ва қорақалпоқ тилли мактаблар бор. Зарафшон шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактаби улардан бири. 2022 йилда мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасасига кириш кўрсаткичи 100 фоизни ташкил этгани янги ва самарали таълим тизими чекка ҳудудларгача кириб бораётганининг амалий ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларга сифатли таълим бериш, уларни касбга йўналтириш ота-оналар ва педагоглар олдида турган масъулиятли вазифа. Зеро, инсон ҳаётда тўғри йўлни кучли билим ва муносиб касб орқали танлайди. Бу жараён Навоий вилоятида ҳам тизимли равишда йўлга қўйилаётгани юқоридаги ютуқларда намоён бўлмоқда.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**



МУЛОҲАЗА

# ЁШЛАРИМИЗ КИТОБГА ОШИҚ БЎЛСИНЛАР

## ёхуд кутубхонанинг келажакдаги тақдири



**Жасурбек НОРМАТОВ,
Бешариқ туман Ахборот-кутубхона маркази директори**

**Президентимиз томонидан китобхонликни ёшлар, раҳбарлар орасида тарғиб қилиш лозимлиги ҳақида кўп бора айтилди, айтилмоқда. Чунончи, Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг биттаси айнан китобхонликка қаратилган бўлиб, у ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, маънавиятини юксалтириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.**

Китоб маслаҳатчи, садоқатли ҳамроҳ, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлик ҳисобланади. Инсон ҳаётида унинг ўрни муҳим. Миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Аҳоли, айниқса, ёшларни китобга жалб қилиш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири. Ушбу масала бутун дунёда муаммо сифатида бир хил даражада ўсиб бормоқда. Рақамлаштириш даврида ўқувчини компьютер ва бошқа рақамли гаджетлардан ажратиб бўлмаяпти. Замонавий техника ва янгиликлар онгимизни шу даражада қамраб олганки, китоб ўқишга вақт ажратиш муаммо бўлиб қолди.

Мазкур муаммони ҳал қилишга ҳам энди креатив тарзда, ўша гаджетлар орқали кириб бориш, ижтимоий тармоқларда китоб рекламасига кенг ўрин ажратиб, ушбу йўналишда танлаш имкониятини бериш зарур.

Ўрта авлод вакиллари қўлимизда китоб билан улғайганмиз. Аввалига бу алифбо бўлган, ёш катталашган сари илмий ёки бадиий адабиётлар, ҳаяжонли саргузаштлар ёки бошқа ўзимиз қизиққан жанрларга шўнғир эдик. Олдинги авлодлар ҳаётида кутубхона кўп нарсани англатарди — бу сеҳрли, жозибали дунё бўлиб, у орқали билимга борадиган йўлни, ўтмишни англаш, бугунги кунни ўрганиш ва эртанги кунга назар ташлаш мумкин бўлган.

Бугун китобнинг тақдири қандай, кутубхонага ким ва нима учун келади? Қоғозли китоблар электрон китоблар ва рақамли технологиялар босими остида омон қоладими?

### Янгилик яратиш учун муаммо бўлиши керак(ми)?

Ҳозирги кунда бутун дунё кутубхоналаридаги умумий тенденция — ўқув залларига келганлар сонининг муттасил камайиб бориши. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бу янги технологияларнинг ривожланиши, электрон кутубхоналар таркибининг кўпайиши билан изоҳланади. Мазкур ҳолат кейинги беш йилда кузатила бошлади. Пандемия даври эса буни янада кучайтирди. Фойдаланувчиларга кўпроқ онлайн хизмат қулай бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам кутубхоналар рақамлаштиришга ўтмоқда — қоғозли китоблар сканер қилиниб, электрон ҳолатга айлантириляпти.

Кутубхоналар рақамлаштирилишининг асосий афзаллиги шундаки, улар матбуот нашрлари, ноёб, қадимий қўлёзма ва китобларни узоқ вақт сақлаб қолиш имконини беради. Биргина газеталарни мисол келтирайлик. Бундан 32 йил аввал — мустақилликка эришган йилларимизда чоп этилган газеталарни олайлик. Буларни фақатгина махсус сақланадиган архивлардан топиш мумкин. Хона шароитида узоқ муддат сақлашнинг имкони бўлмайди.

Рақамли кутубхонанинг яна бир афзал томони — у масофа танламайди. Китобхон қаерда ва қанча масофа узоқдалигининг фарқи йўқ. Китобни электрон ҳолда бир неча сонияда олиш мумкин. Маблағ масаласида ҳам катта харажат талаб этмайди.

### Қоғозли китобнинг келажаги борми?

Бу саволга Россия давлат кутубхонаси (РДК) президенти Виктор Федоров шундай жавоб беради: “Анъанавий китобхонлар аудиторияси қисқаради. Биз қандай муносабатда бўлишимиздан қатъи назар, бу ҳаёт қонуни. Уни ўзгартириш жуда қийин. Аммо келажакда қоғозли китоблар интеллектуал элитага айланади. Энди бу “элита”ни олий таълим муассасаларида, кутубхоналарда ва айрим тафаккурли инсонлар хонадонида учратиш мумкин бўлади”.

Биз, кутубхоначиларнинг асосий вазифамиз — китобхонлик маданиятини аҳоли ва ёшлар ўртасида ривожлантириш, китоб тарғиботини кенг кўламда олиб бориш, ёшлар онгида китобсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик фикрини уйғотиш ва сингдиришдир.

Мен оилада китобхонликни шакллантириш борасидаги сценарийни тажриба қилиб кўрдим. Ишдан келиб, кечки овқатгача ва ундан кейин бир-бир ярим соат китоб ўқидим. Ҳар куни вақт топиб, айни болаларим бўш қолган чоғда китоб ўқийвердим. Бир ҳафтада фарзандларим ҳам китобга қизиқа бошлади. Ёнимга ўтириб, китоб ўқийдиган, кутубхонадан китобларни тез-тез алмаштирадиган бўлди.

Маънавият оиладан бошланади, деган гапда чуқур маъно бор. Кутубхоначининг асосий вазифаси ҳар бир хонадонга кириб бориш, уларнинг кунлик иш режасига китоб мутолаасини киритишдир. Тўғри, бу кимгадир эриш туюлар, лекин замон талаби шу. Кимдир масъулиятни бўйнига олиши керакку ахир. Ўша масъуллар бизмиз. Одамларни кутубхонага жалб қилиш учун тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур.

Маҳсулотнинг асосий ютуғи — унинг рекламасида. Шундай рекламалар қилиш керакки, бу орқали китобхонга виртуал таъсир ўтказиш лозим. Ижтимоий тармоқларда китоб ҳақида иқтибослар, кўчаларда, автобус бекатлари, бозор ва дўконларда, кафе ва ошхоналарда кутубхонага оид QR-кодли таблолар, ижтимоий ўйинлар жойлаш мумкин.

Тўғри, буларнинг ҳаммаси маблағга бориб тақалади. Маҳаллий ҳокимлик ва ҳомийлар, пулли хизмат турларини кўпайтириш орқали маблағ орттириш мумкин. Кутубхоналарга ёрдам бериш фақат АКМларнинг ривожланиши учун эмас, балки маҳаллий китоб нашриётини қўллаб-қувватлаши, матбаачилик саноати муаммоларини ҳал қилиши мумкин. Кутубхона эса ёшларни китобхонликка ўргатади ва энг муҳими, тафаккурли, онгли шахсни шакллантиради. Ҳар қандай замонда ҳам кутубхонасиз фуқаролик жамияти ва мамлакат келажагини тасаввур этиб бўлмайди.



### Бизни китобхон деб аташ мумкинми?

Бугун компьютер ва телевизорлар, дайжестлар тўплами, радиодаги газета шарҳлари, интернет ва видеолардан ортиб, китоб ўқишга вақт борми? Бу ўзимизга боғлиқ. Агар истасак, вақт сеҳрли тарзда пайдо бўлади.

Социологлар ўтказган тадқиқотларга кўра, китоб ўқийдиганларнинг қарийб 60 фоизи 55 ёшдан ошган кексалардир. Янги китобларни, асосан, ёшлар сотиб олади — булар, биринчидан, қўлланмалар, маълумотномалар, иккинчидан, детектив ҳикоялар ва фильмлар бестселлерлари, учинчи ўринда мумтоз адабиётга бўлган қизиқишдир. Шунда ҳам пулга сотиб олгиси келмай, кутубхонадан олишни маъқул кўради. Қолаверса, замонавий ёшлар “Бобурнома” ёки “Хамса” достонларини ўқишни хоҳламайди, ўқиган тақдирда ҳам қайта ўқишни унчалик хуш кўрмайди.

Шу боис, аксарият нашриётлар ўз исботини топган йўлдан боришни, маълумотнома ва ўқув адабиётларига таянишни маъқул кўради. Сўнгги бир неча йил ичида иқтисод, қонунларга шарҳлар бўйича қўлланмалар, бой бўлиш учун мотивацион китоблар ва чет эл адабиётларига талаб ортмоқда. Миллий адабиётга-чи?..

“Рақамли” маданият ва янги технологиялар жадал тарқалаётган бугунги даврда кутубхона ўз аҳамиятини йўқотиб қўйиши мумкин, деган хавотирлар бор. Бироқ чуқурроқ ўрганилганда, ахборот технологиялари ва кутубхоналар бир хил асосий функцияни бажариши маълум бўлади. Уларнинг умумий вазифаси — ахборотларни етказиб бериш ва сақлаш орқали инсон хотирасини қўллаб-қувватлаш. Ўз моҳиятига кўра, кутубхона ҳам ахборот жамиятида ривожланиб бораётган ахборот технологиясидир.

Ахборот жамиятининг ривожланиши анъанавий кутубхона фаолиятининг тугашини англатмайди. Кутубхона ижтимоий институт сифатида электрон кутубхоналар концепциясини амалга ошириш туфайли аста-секин ҳужжатлар омборидан билимлар омборига айланади. Бу кутубхона ривожланишининг рақамли босқичи бўлиб, кутубхонанинг янги кўринишдаги ижтимоий ролини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

### Инсонга қачон кутубхона керак?

Биринчи навбатда, интенсив иш даврида (мактаб, талабалик йиллари, диссертациялар, илмий қўлёзмалар ёки нашрларни тайёрлаш пайти ва бошқаларда) маълумот манбалари қиммат бўлиб, сотиб олиш мушкул бўлганда зарур бўлади. Инсон учун кутубхона қисқа муддатга ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин, аммо узоқ муддатли истиқболда унинг аҳамияти доимо сақланиб қолади.

Маълумки, таълим, тарбия, дунёқараш, фуқаролик ва танқидий фикрлаш туйғуларини юксалтириш, одоб-ахлоқ, миллий анъаналарни асраб-авайлашда китоб ва кутубхонанинг ўрни ниҳоятда катта.

Шундай қилиб, бугунги кунда кутубхоналар олдида турган асосий муаммолардан бири сифат менежментига асосланган фаолиятни такомиллаштиришдир. Ўқишнинг ўзи ўзгарганини тушуниш керак. Энди бу шунчаки дам олиш фаолияти эмас. Китоб билим олиш, мақсадларга эришишда зарур бўлган маълумотларни ўрганиш учун ишлатилади. Афсуски, биз ҳали китобхонлар билан доимий алоқа мавжудлиги ҳақида гапира олмаймиз.

Замонавий жамиятда кутубхона ўзининг ижтимоий-маданий функциялари мазмунида сезиларли ўзгаришларга дуч келиши, ўз жамоат мақсадининг сифати учун ижтимоий масъулиятни унутмаслиги керак.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

# МАФТУНКОР НАҚШЛАР ЖИЛОСИ

**Гўзалхон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандлик тарихи давлат музейи катта илмий ходими**

**Гилам тўқиш халқ амалий санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, кўп асрлик миллий анъана ва узоқ тарихга эга. Ўзбекистонда гиламдўзлик ва кигиздўзлик ярим кўчманчи тарзида ҳаёт кечирувчи, жун маҳсулот (асосан, қўй ва туя)ларига жуда бой маҳаллий қабилаларнинг асосий машғулоти бўлган. Қўлда гилам тўқиш ниҳоятда сермашаққат иш, тўқувчидан қунт, дид ва маҳорат талаб қилади. Гиламдўзлик асосан, аёллар ҳунари сифатида машҳур бўлган. Тажрибали гиламдўз гилам тўқишни ёшлигидан ўргана бошлаб, 16-17 йилда ҳақиқий уста бўлиб етишган.**

Гилам қадим замонлардан бери хона ичини безатиш, иссиқ сақлаш, товушни камайтириш учун хизмат қилган. Гилам, асосан, ерга ёки бўйра устига тўшалган, хонани безатиш учун эса деворга осилган. Кўчманчи аҳоли учун жундан тайёрланган (кигиз) гилам совуқдан сақлаш учун ўтов устига ўралиб, ичига тўшалган.

Бу санъат жуда қадим замонлардан бери ривожланганини Хоразмда милоддан аввалги I минг йилликка мансуб гилам қолдиқлари топилгани ҳам тасдиқлайди.

Қадимда Уссурия, Бобил, Мидияда, кейинроқ эса Эрон, Ҳиндистон, Туркияда тўқилган рангли гиламлар машҳур бўлган. Мўғуллардан олдинги даврларда туркий қабила бўлмиш ўғузларнинг гиламдўзлик буюмлари донг чиқарган. Темурийлар даврида эроний ва туркий анъанага уйғунлаштирилган гиламдўзлик ҳамда XVI асрдан бошлаб Моварооуннаҳрда даштиқипчоқ ўзбек қабилаларининг гиламдўзлик буюмлари кенг тарқалган. Ушбу элатлар гиламдўзлик анъаналарининг тарихий мутаносиблиги Ўзбекистон миллий гиламдўзлигининг этномаданияти асосларини ташкил этади. V-VII асрларда Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлардан Хитойга ҳар хил гиламлар олиб борилган. XI-XII асрларда Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида гилам тўқиш санъати жуда ривожланган. Бунда гилам тайёрлаш ўзининг нақши, юқори сифатли тўқилиши, бўялиш техникаси билан ажралиб турган. XX аср бошларида Қўқон, Самарқанд, Андижон, Бухоро Ўрта Осиёнинг гилам тўқиб сотиш марказлари ҳисобланган. Хива, Андижон, Қарши, Ургут шаҳарларида гилам тўқийдиган корхоналар очилган.

Гилам узун ва қисқа жунли ҳамда жунсиз бўлади. Жумладан, жулхирс, гажарий, кохма, окэлен, терма, тақир гилам ва бошқалар бунга мисол. Гиламдўзлик буюмларига бўғжома, жойнамоз, напрамач, хуржун, тўрва, жабдуқ, ўтов жиҳоз (кур, баскур)лари ва бошқалар киради. Турли шаклдаги, безак-нақшли гилам буюмлари уй-рўзғор шароитида қўлланилиб, уларнинг кўпи совға учун мўлжалланган.

Гилам — рамз. Ҳали тасвирий санъат қоятошлардаги суратлар шаклида эканида гиламдўзлик мавжуд эди, гиламлар бор эди. У рамзий маънода тумор вазифасини ҳам бажарган, одамлар гилам уйни ёмон назарлардан асрайди, деб ишонган. Гилам ибодат адо этиладиган муқаддас жой вазифасини ҳам ўтаган. Шунингдек, гилам одамнинг сўнгги ўрин-жойи, охирги йўлга кузатувчи пояндоз, ёпинчиқ вазифасини ҳам ўтаган.



Ўзбекистонда гилам тўқиш мактаби асосан, икки (Самарқанд ва Андижон) катта гуруҳга бўлинади. Андижон гилами чидамлилиги, пишиқлиги, тўқ қизил, кўк ранглари билан фарқ қилади. Фарғона, қорақалпоқ гиламлари эса асосан, икки хил, яъни қизил ва тўқ кўк рангларда тўқилади. Самарқанд гиламдўзлик мактаби Самарқанд ва Бухоро вилоятларига хос. Бухоро гилами ранг-баранглиги, катталиги, узун патлилиги ва чиройли нақшлари билан ажралиб туради. Самарқанд гилами қисқа патли, марказида турунж, четига алоҳида-алоҳида нақшлар туширилади. Қалқон деб номланган турунж нақши жуда кўп ишланади. Гилам ҳошиядор, эстетик жиҳатдан чиройли ишланган бўлади. Нурота гилами эса узун патлилиги, ўртача катталикда, сийракроқ тўқилиши билан ажралиб туради. Дастгоҳда қўлда тўқилган гиламлар чидамлилиги, нафислиги, табиийлиги ва сифати жиҳатидан фарқланади. Бу гиламлар юз йиллаб хизмат қилиши мумкин.

Қадимдан қўлда гилам тўқиш Туркманистон, Грузия, Озарбайжон ва Арманистонда яхши ривожланган. Гиламнинг тўқима, тикма ва босма хиллари мавжуд. Тўқима гиламда гиламнинг гули ишланади. Ўзбекистонда патли ва патсиз (палас) гиламлар тўқилади. Тикма гилам — тайёр буюмга гули тикиладиган гилам. Босма гилам — гули бўяб босиладиган гилам. Гиламлар тўқилган жойи ёки тўқиган уста номи билан юритилади. Туркманларда ёвмут, текин, бешир гиламлар бор. Туркман гилами геометрик нақшли бўлади. Кавказ гиламининг машҳур ширвони, ахти, дарбанди турлари бўлиб, пушти, қизил, кўк, сариқ, сарғиш ва бошқа рангларда барг, гул, қуш тасвирлари туширилади. Эрон гилами ўзига хос бўлиб, уларда гул, ўсимлик, қуш, ҳайвон тасвирланган доирасимон шакллар кўзга яққол ташланади. Хитой гилами патларининг нақши ҳар хил меъёрда қирқилиб, рельеф ҳосил қилинган, тасвир замини эса қисқароқ патли қилиб ишланади.

XIX асрнинг охиригача гилам тўқишда ўсимликлардан тайёрланадиган бўёқлар ишлатилган. Кейин эса анилин бўёқлардан фойдаланиш бошланди. Патгилам тўқиш анча мураккаб бўлиб, унда арқоқдан ташқари нах деган ип ҳам ишлатилади. Кейинчалик патгилам махсус дастгоҳли корхоналарда тўқиладиган бўлди. Патгилам нақш ёки гулни санама ироқига ўхшатиб, рангли ипларни нусхасига қараб териш асосида тўқилади.

Қадимдан машҳур халқ амалий санъати юртимиз довруғини дунёга таратиб келган. Ана шундай омиллардан бири — гиламдўзлик анъаналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш, уни авлоддан-авлодга етказиш, соҳани кенг тарғиб қилиш ва янада кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Қўлигул ҳунармандларимиз тўқиган гиламдўзлик маҳсулотлари нафақат маҳаллий, балки чет эллик меҳмонлару сайёҳларни ҳам лол қолдирмоқда. Мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳ борки, эсдалик учун санъат намуналаридан ўз юртига олиб кетиб, амалий санъатимиз дунё бўйлаб донг таратишига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда гиламдўзлик анъаналарини авлоддан-авлодга етказиб берувчи минглаб уста ҳунармандларимиз фаолият юритмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон давлат тарихи музейи, Давлат санъат музейи, Амалий санъат ва ҳунармандлик тарихи давлат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи каби йирик маданий хазиналаримиз юртимизнинг бетакрор гиламлари намуналарини кенг оммага намойиш этиб келаётир.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-246.
14119 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:30